



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI VAZIRLIGI

**BUYRUQ**

2020 yil “ 23 ” октябрь

200-ИЧ son

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва  
меҳнат муносабатлари вазирлигида  
давлат харидларини амалга ошириш  
жараёнини тартибга солиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида давлат харидларини амалга ошириш жараёнида коррупцион ҳолатлар юзага келиши ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, ташкил этиладиган танлов (тендер)лар ўтказиш жараёнларининг шаффофлик ва ҳолислик принципларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

1. Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида коррупцион ҳолатлар юзага келиши ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, ташкил этиладиган танлов (тендер)лар ўтказиш жараёнлари шаффофлик ва ҳолислик принципларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида танлов (тендер) ўтказиш бўйича харид комиссияси таркиби 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ташкил этиладиган танлов (тендер)лар ўтказиш бўйича харид комиссиялари тўғрисидаги низом 2-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида давлат харидларини амалга ошириш доирасида харид қилиш тартиб- таомиллари иштирокчиларини текшириш жараёни бўйича йуриқнома 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 15 майдаги 139-ИЧ-сон буйруғининг 6-банди ҳамда буйруққа илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

000640

3. Вазирнинг биринчи ўринбосари Э.Мухитдинов, вазир ўринбосарлари (Б.Умурзаков, Н.Якубов), Ишлар бошқармаси (Т.Маликов), Меҳнат органлари тизимида давлат харидларини мувофиқлаштириш шўъбаси (Б.Урунов), Молиявий назорат бўлими (М.Пулатова), Бухгалтерия (Б.Ахмадалиев):


Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида давлат харидларини амалга оширишда ушбу буйруқда белгиланган тартибга қатъий амал қилинишини таъминласин;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда ушбу буйруқ талабларига қатъий амал қилинишини назорат қилсин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Э. Мухитдинов зиммасига юклансин.

Вазир

Н.Хусанов



Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазирининг  
2020 йил “23” октябрдаги  
200-и 2 -сон буйруғига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида  
танлов (тендер) ўтказиш бўйича харид комиссияси  
ТАРКИБИ**

Э. Мухитдинов	Вазирнинг биринчи ўринбосари (комиссия раиси)
Б. Умурзаков	Вазир ўринбосари (комиссия раиси ўринбосари)
Н. Якубов	Вазир ўринбосари (комиссия раиси ўринбосари)
Р.Маҳкамов	Матбуот котиби
Лавозимига кўра	Бандликка кўмаклашиш Давлат жамғармаси маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш бошқармаси бошлиғи
М.Азизова	Юридик бўлим бошлиғи
А.Эгамов	Кадрлар бошқармаси бошлиғи
Т.Маликов	Ишлар бошқармаси бошлиғи
Б.Ахмадалиев	Бош ҳисобчи
Д.Кобилов	Тизим тармоқ администратори
Б.Урунов	Меҳнат органлари тизимида давлат харидларини мувофиқлаштириш шўъбаси (комиссия котиби)

*Изоҳ: Комиссиянинг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига  
ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар киритилади.*

*“Давлат харидлари тўғрисидадаги” Қонунга мувофиқ комиссия  
аъзоларининг ва таркиби давлат харидларининг ўтказилиши хусусиятларидан  
келиб чиқиб ўзгартириш киритилиши мумкин.*